> *«Кимки, ўринсиз нуқта билан «ҳабиб»ни «ҳабис» қилса ва «муҳаббат»ни «меҳнат», ундай фалокатда қолганга юз лаънат. Ёмон хатда хато кўплиги — қарининг соқол бўяб масхара бўлганига каби».*
>
> ***Алишер НАВОИЙ***

Давра суҳбати

# Матншунослик: ечимини кутаётган муаммолар

**Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ:** — Мумтоз адабиётимиз асарларининг сифатли нашр этилиши бўйича биз



ўзимиз қайғурмасак ким қайғуради?

Мумтоз шоирларимиз асарларининг нашрларини синчиклаб кўздан кечирар эканман, баъзан мен даҳшатга тушаман. Масалан, 1996 йил «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали учун мен Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшани асрор» достонидаги Амир Темур ҳақидаги ҳикоя матнини тайёрлаб бермоқчи бўлдим. Шунда салкам ўттиз байтдан иборат кичик бир ҳикоя матнининг 1987 йил нашрида шунча кўп ноаниқликларга дуч келдимки, касбдошларимиз учун хижолат чекдим. Аввало, бу ҳикоянинг хулосавий қисмидаги Соҳибқирон Амир Темур ижтимоий-сиёсий фаолиятининг улуғворлиги, улуғ давлат тузиб, мамлакатда тинчлик ўрнатгани, турли халқларни бирлаштирганини ифодаловчи қуйидаги уч байт тушириб қолдирилган:

**Тутти жаҳон**
**мулкатини яққалам;**
**Урди ети кишвар**
**ичинда алам.**
**Тинди анинг даврида**
**рўйи замин;**
**Бўлди бир элу бир**
**улус Руму Чин.**
**Ҳиммат элидур яди**
**байзо деган.**
**Эр нафасидур дами**
**Исо деган.**

Бу камчиликни биз ўша даврнинг темурийларга нисбатан тазйиқи туфайли юз берган! — деганимизда ҳам, яна бир қанча матншунослик хатолари ҳам мавжудки, бу, албатта, матншунос лоқайдлиги орқасида рўй берган. Масалан, бундаги:

**Бу шикув жо (?) қилди илкин захмдор —**

деган сатрдан ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди. «Анга» сўзи «анча», «ал» (йўл) сўзи «эл», «Ногаҳ» сўзи «токи», «оёқина» сўзи «оёқини» деб ёзилган. Ҳар саҳифада шундай хатолардан биттадан бўлганда ҳам 300 бетлик китобда 300 та хато бўлиши табиий. Бу эса матншунос олимларимиз шаънига ярашмайдиган иш.

**Абдурашид АБДУҒАФУРОВ:** — Дарҳақиқат, матншуносликда йўл қўйилган, кейинги нашрларда ҳам йўл қўйилаётган жиддий нуқсонлар талайгина. Мен бугунги суҳбатимизда шуларнинг бир қиррасига эътиборни тортмоқчи эдим. Мулоҳазаларим ижодкор маҳоратини яққол кўрсатувчи бадиий санъатлар, матндаги сўз ўйинлари, имо-ишора, кесатиқ-киноя ва оҳанг-хитобларга етарли эътибор бермай, уларни ёзувда тушунарли ифодалашдай жиддий масалага бефарқ қаралаётгани билан боғлиқ. Ваҳоланки, матнчи-ношир бу масалаларга жиддий аҳамият бериши, зарур ўринларда эса тегишли изоҳ ва шарҳлар билан китобхонга кўмаклашиши лозим. Акс ҳолда бадиий санъат ва сўз ўйинлари очилмай, «коса остидаги нимкоса» яширин ҳолида қолиб кетаверади ва демак, матннинг ғоявий-бадиий қимматига зиён етади.

Арабий имлода ифодаланиши билан боғлиқ келадиган бадиий санъат тегишли изоҳсиз китобхонга тушунарсиз бўлди. Мумтоз адабиётимизда, жумладан, Навоий меросида бундай санъатлар ишлатилган намуналарнинг жуда кўплиги матнчи-ноширлар зиммасига жиддий масъулиятни юклайди.

«Ғаройиб ус-сиғар» девонидага наът руҳида битилган ғазалларнинг бирида мана бундай байт учрайди:

**Қаноатнинг далилин**
**инзиво қилдинг, яна**
**бир ҳам**
**Далил ушбуки қониъ**
**ҳарфидин халқ айладинг**
**анқо.**

Биз айнан кўчирган мисраларнинг бу тарзда ёзилиши улардаги чуқур мазмун ва гўзал бадиий санъатнинг ғазалхонга бутун латофати билан етиб боришига имкон бермайди. Аксинча, ғализликни юзага келтириб, байтга ҳатто бефарқ муносабатни шакллантиради.

Гап шундаки, Тангрининг яратувчилик қудрати мадҳ этилаётган бу байтда Навоий қўллаган бадиий санъат иккинчи мисрадаги «қониъ» ва «анқо» сўзларининг ёзилишида иштирок этувчи «қоф», «алиф», «нун» ҳамда «айн» ҳарфлари билан боғлиқки, бу, шубҳасиз, махсус изоҳни талаб этади.

Улуғ шоирнинг топқирлиги қаноат этувчи, сабр қилувчи маъноларида бўлган «қониъ»



сўзини ташкил этувчи ҳарфлардан оти бору ўзи йўқ афсонавий қушни англатувчи «анқо» сўзи ҳам битилишига ишорада кўринади: бандаларда сабру қаноатдан ҳатто нишона ҳам (биринчи мисрадаги «далил» — нишона, белги маъносида келган — **А. А.**) худди анқо каби йўқлигига («инзиво» шу маънода — **А. А.**) ишончли далиллардан бири худди мана шу умумийликда, дейди шоир киноя билан.

**Сирожиддин АҲМАД:** — Мен сўзимнинг аввалида, мана, бир неча йилдан бери севимли газетамиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» саҳифаларида матншунослик матнини тўғри ўқиш, мумтоз адабиётда қўлланилган санъатлар ҳақида мақолалар чоп этиб келинаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу масалага олимлар эътибори қайта-қайта жалб этилаётгани фойдадан холи эмас. Ўзбек матншунослик фани ютуқлари тан олинган ҳолда йўл қўйилган камчиликлар ҳам рўй-рост айтилмоқда.

Матншунослик — фанларнинг ичида энг нозиги, энг инжиғи. Шу боис бу масала биргина давра суҳбатида эмас, балки Ўзбекистон Фанлар академиясининг махсус илмий йиғилишида, Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти, Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институти, ТошДУ, СамДУ каби илмий ва ўқув муассасалари олимлари ҳамкорлигида муҳокама қилинса нур устига нур бўлур эди.

Албатта, матншунослигимизнинг кечаги бугунги аҳволи қониқарли эмас ва бунинг туб сабаблари бор. Шўролар ҳокимияти ўз мафкуравий зулмини бошлаган дастлабки йиллардаёқ ўлкамизда мадрасалар фаолияти тўхтатилди. Оқ пошшо бошлаган руслаштириш сиёсати давоми ўлароқ уч бор имломизга ҳужум қилинди. Бинобарин, миллий маданиятнинг муҳим узвий қисми узиб ташланди, авлод-аждодлару, қўни-қўшниларни ўзаро боғлаб турувчи ҳалқалар парчаланди. Билағон зиёлиларни 30-50-йиллар қатли оми ютиб юборди. Охир-оқибатда кўпгина соҳалар сингари матншунослик фани ҳам каллаклаб ташланди. Тасодифан омон қолганларнинг юрагидан қўрқув ўрин олди.

Имло алмашиниши, қатли ом, қўрқув натижасида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Қўқонда, хуллас ўз уйида ўтириб Арабистон, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Татаристон, Қрим ва Озарбайжон илмий-адабий ҳаёти билан хотиржам танишиб, у ердаги олиму фузалолар, шоирлар ижодидан баҳраманд бўлишдай олий неъматдан маҳрум қилинди.

Ўзбек оиласи, зиёлилари орасидан навоийхонлик, бедилхонлик, фузулийхонлик, қиссахонлик, мақомхонлик каби маданиятнинг олий маҳфилию, маҳфил оролари йўқолди. Тазкиранавислик, тафсирчилик ва тафсирхонлик барҳам топди. Оқибатда матншунослик мактаби инқирозга учради. Олий ва ўрта мактабларда миллий мумтоз адабиётнинг суратигина ўқитилди, моҳияти қолиб кетди. Адабий фанлар бир мафкуранинг югурдагига айлантирилди. Миллатнинг ўзлигини танитувчи, белгиловчи тарих ва адабиёт халқ дарди, орзу умидларининг инъикоси эмас, балки партократик, технократик масалаларнинг кўзгуси бўлиш билан чекланди. Адабиёт ўргатувчилар оғзига қулф солинган бир пайтда Порсо Шамсиев, Хуршид, Боқий домла, Холид Расул, Ҳамид Сулаймон, Ғулом Каримов, Субутой Долимов ва бошқа кўпгина устозлар қўрқа-писа катта-катта илмий ишларни амалга оширдилар. Зикр этилган олимларнинг ишларини инкор қилиш нодонликдир. Устозлар қўлидан келган ишни қилиб кетишди. Уларнинг меросидан, тажрибасидан унумли фойдаланиб, салафлар бошлаган ишни такомилига етказиб, ажойиб асарлар тайёрлаб руҳини шод қилмоқ савобдир.

**А. ҲАЙИТМЕТОВ:** — Шубҳасиз, бугунги суҳбатимиздан, умуман, матншунослик муаммолари ҳақида кейинги пайтда қилинган чиқишлардан кўзда тутилган мақсад ҳам эришилган ютуқларни қадрлаган ҳолда нуқсонларни бартараф этиш чораларини излаб топишга қаратилган. Бундай чиқишларда гоҳо мўътабар асарларнинг матнларидаги хатоларга жамоатчилик вакиллари турли йўллар билан имо-ишора қиладилар, баъзан очиқ равишда ҳам фикрлар билдирилади. Лекин матншуносларимиз бунга бутунлай бепарво ва лоқайд муносабатда бўладилар. Ваҳоланки, нашрда битта хато ўтиб кетса ҳам, киши жамоатчиликдан уялиши керак. Матншуносининг саводсизлиги туфайли юз берган хатолар билан бир қаторда хатоларни тузатишга бундай беписанд қараш бу фанга катта зарар етказаётгани аниқ. Масалан, мен Алишер Навоий асари — «Хазойинул-маони»нинг 1959-1960-йиллардаги нашридан бир қанча камчиликлар ўтиб кетганини биринчи марта «Шарқ юлдузи» журналининг 1962 йил 2-сонида босилган «Хазойинул-маони» нашри тўғрисида» деб номланган тақризимда айтиб ўтган эдим. Янги нашрларда уларнинг баъзилари ҳисобга олинган. Жумладан, «Фавойидул-кибар»даги 443 рақамли ўзбекча-арабча муламмаъ ғазал ва «Бадоеъул-васат»даги 509-ғазал ўринсиз тушириб қолдирилганини кўрсатган эдим. Шоирнинг «Мукаммал асарлар тўплами»да бу танқидий фикр ҳисобга олинган. Бундан мен хурсандман. Аммо «Бадоеъул-васат»даги:

**Сабт ўлмаса «Навоий»**
**оти назми зайлида,**
**Фаҳм айлар аҳли дард**
**каломи адосидин —**

байтида «Навоий «оти» ибораси «Навоий, ани...» деб хато ёзилганини айтганим эътиборсиз қолдирилган. Бу байтда «Навоий, ани назми зайлида» деганда маъно йўқку! Шоир бу байтида: «Агар менинг «Навоий» тахаллусим баъзи шеърларимнинг охирида қайд этилмаса ҳам, лекин шеърни тушунган кишилар уларнинг ёзилиш услубидан меники эканлигини билиб оладилар!», демоқчи. Бу тақриз эса «Навоий даҳоси» китобида қайта босилган ҳам. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

Мен кунларнинг бирида Юсуф Амирийнинг «Чоғир ва Банг» асарининг «Муборак мактублар» китобига тавсия этилиши билан боғлиқ мажлисда иштирок этганман. Бу асарни нашрга тайёрлаган одам уни Эргаш Рустамовнинг «XV асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек шеърияти» (Москва, 1963) китоби асосида тайёрлаган экан. Мен унга ушбу асардаги:

**Масалдур эл аро:**
**«Гурдию марди» —**
мисрасини:

**Масалдур эл аро:**
**«Кардию марди» —**

деб ёзишни таклиф қилдим. Чунки форсий тилда сўзлашувчи халқларда «гурди марди» деган масал йўқ. «Карди — марди» деган масал эса машҳур бўлиб, «Бир ишни қилдинг — бопладинг», «Бир ишни қилдинг — марра саники», «Бир ишни қилганинг — енганинг» деган мазмунни билдиради. Асарнинг 1987 йил нашрида эса, мазкур ибора хато ўқилганича қолган. Матнга қўл ҳам теккизилмаган.

Хуллас, матншунослигимизда англашилмовчиликлар кўп. Унинг аҳволини ҳушёр кузатиб турувчилар ҳам кам. Муҳаррирлар кўп вақт номига муҳаррир. Нашрга тайёрловчига ҳамда муҳаррирга тўланадиган қалам ҳақи ҳам инчунун. Демак, бозор иқтисодига ўтилган бу даврда матншуносликни ривожлантириш учун масаланинг бу томонларини ҳам ўйлаб кўриш зарур.

**А. АБДУҒАФУРОВ:** — Албатта. Мумтоз адабиётимиз намуналарининг нашр савиясини кўтариш иши фақат билимдонликни эмас, моддий манфаатдорликни ҳам тақозо этади. Ҳозиргача амалга оширилган нашрларимизни тўла-тўкис, мукаммал дея олмаймиз. Хусусан, Алишер Навоийнинг топқирлиги, маҳоратини кўрсатувчи қуйидаги байтда қўллаган санъат шу кунга қадар амалга оширилган улуғ шоир ижодининг тўртала нашрида, жумладан, «Мукаммал асарлар тўплами»да ҳам (I-жилд, 30-бет ва III-жилд, 26-бет) тегишли тиниш белгилари ва зарур изоҳсиз чоп этилган ва оқибатда жуда кўпчилик ғазалхонлар эътиборидан четда қолган.

Байт:

**Қаноатнинг далилин**
**инзиво қилдинг, яна**
**бир ҳам**
**Далил ушбуки, «қониъ»**
**ҳарфидин халқ**
**айладинг «анқо» —**

тарзида кўчирилиб, изоҳ берилгандагина унинг заминидаги чуқур мазмун етарли очилади ва гўзал бадиий санъат равшан намоён бўлади.

«Фавойид ул-кибар» девонидаги бир ғазалнинг қуйидаги байти ҳам (VI жилд, 36-бет) худди шу бадиий санъат билан зеболанган:

**Кўйидин кетмаку ўлмак**
**манга тенг бўлса, не**
**тонг,**
**Ким, жало**
**ҳарфларидурки, ажал**
**топти лақаб.**

Аммо байтнинг бу тарзда ёзилиши нотўғри ва шу боис мисралар мазмуни очилмаган. Айни замонда байтдаги чиройли «мантиқий далил»нинг китобхон томонидан илғаб олинишига имкон бермайди. Аслида эса, Навоий чиндан ҳам катта маҳорат намойиш этиб, ниҳоятда гўзал байт яратган. Унда лирик қаҳрамон — ошиқ суюкли маъшуқадан айрилиш (мисрада **«кўйидин кетмак»**) мен учун ўлим билан тенг, дея ўз садоқатини изҳор қилар экан, далил сифатида **«жало»** (кетиш, жудо бўлиш — **А. А.**) сўзи ҳарфларидан **«ажал»** сўзи ҳам ташкил бўлишига ишора этади. Гап шундаки, бу сўзлар арабий имлода бир хил ҳарфларнинг турлича бирикуви билан ифода қилинади.

Шундай экан, матнчи-ношир улуғ шоир қўллаган бу ҳарфий санъатга жиддий эътибор бериши, тегишли тиниш белгилари ва зарурий изоҳ билан таъминлаб:

**Кўйидин кетмаку**
**ўлмак манга тенг**
**бўлса, не тонг**
**Ким, «жало»**
**ҳарфларидурки, «ажал»**
**топти лақаб —**

шаклида ёзгандагина муаллиф кузатган ғоявий-бадиий ният ўқувчи онгига кўчади.

**С. АҲМАД:** — Ўрта мактаблар у ёқда турсин, ҳатто олий ўқув юртларининг ўзбек филологиясида форс тили (араб тили ўқитилишини билмайман) заиф ўргатилади, мумтоз адабиётда қўлланилган санъатлар, анъаналар илми ғайбга айланди. Араб, форс, турк тилларини, адабиётини, унинг анъаналарини пухта ўрганмай туриб, ҳақиқий матншунослик ҳақида гапириб бўладими. Айтмоқчиманки, ўрта ва олий ўқув юртларида илмий-педагогик кучларни тайёрламай туриб, катта матншунослик илми ҳақидаги талаблар талаблигича қолаверади.

Яна бир масала. Ҳозирги кунда ўзбек мумтоз адабиёти тугул Навоий асарларини том маънода тушуниш учун зарур адабиётлар йўқ даражада. Ҳали ҳам «Абушқа» луғати, Толеъ Имроний Ҳиротий луғати, Шайх Сулаймон Бухорий луғати, «Миротил ушшоқ» луғати, арабча-ўзбекча, форсча-ўзбекча, афғонча-ўзбекча мукаммал луғатлар, ўзбек тилининг мукаммал этимологик, фразеологик ва бошқа хилдаги луғатлари, ўзбек, туркий халқлар, араб, форс, ҳинд асотирлари қомуси, «Қомус ал аълом» сингари қомусларга, мумтоз адабиётни матншунослик, манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганишга зарур бўлган ҳар жиҳатдан бой луғатларга эга эмасмиз. Шеърий санъатларни тушунтириб берувчи Атаулло Ҳусайний ва бошқаларнинг луғатларига эҳтиёж кучли. Ижтимоий, фалсафий, сиёсий, психологик, жўғрофий луғат ва қомусларсиз матншунослик тараққий этмаслиги аён. Бинобарин, ҳозирги мактаб ва дорилфунун ўқитувчиларига ҳам, ўқувчиларига ҳам осон эмас. Матншунослик ривожи бевосита иқтисод билан боғлиқдир. Соҳани давлат ёки бирор ҳомий иқтисодий қувватламаса масала ечилмай қолаверади. Филология илми давлат сиёсати даражасида кўриб чиқилмас экан, унинг барча тармоқлари, жумладан, матншунослик ҳам ҳеч қачон ривожланмайди: бўш қоп тик турмас, дейди халқимиз.

**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ:** — Адабиётшунослигимизнинг қай бир жабҳасига назар ташламайлик, дастлаб «ярқ этиб кўзга ташланадиган» салмоқли натижалар эмас, уюм-уюм бўлиб ётган муаммоларга нигоҳимиз тушади. «ЎзАС» саҳифаларида бундан бир йилча аввал бошланган мумтоз адабиёт муаммолари хусусидаги мунозараларнинг матншунослик жабҳасида алангаланиши бизда ушбу соҳанинг сернуқсонлигидангина эмас, балки миллий адабиётимизнинг барча гўзал ва чуқур қатламларини таҳлил этиб улгурмаган ва дунё адабиёти илми назарида гоҳ ошкор сезилиб қолаётган, гоҳ ўзимиз пинҳон сақлаётганимиз миллий адабиётшунослик масалаларининг етарли ҳал қилинмаганида.

«Адабий идрок тантанаси» мақоласи билан В. Раҳмонов адабий жамоатчилик эътиборини матншунослик муаммоларига тортмоқчи бўлди ва бу яхши ниятни амалга ошириш учун мақола бошидаёқ «90-йилларда матншунослигимиз олға силжимади», деган даъвони ўртага ташлади. Бунинг исботи ўрнига, «Эртани деган кечани қўймас» мақоласи муаллифини матншунослик ва матнчиликнинг фарқига бормасликда айблади. Агар муаллиф ўзи узиб олган жумладан кейинги сўз «матнчи-



лик» бўлиб, ушбу соҳанинг айрим муаммоларига эътибор тортилаётганига диққат қилганида, унинг бу даъвосига эҳтиёж қолмаган бўлар эди.

**Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ:** — Ҳақиқатан ҳам бу соҳа мутахассиси араб ва форс тилларидан, туркий тил тарихидан хабардор бўлмоғи, мумтоз шеъриятнинг инжа маъно товланишларини дақиқбинлик билан, нозик ҳис эта билмоғи лозим. Бироқ буларнинг ўзи ҳам кифоя қилмайди. Матншунос ислом дини тарихини, Қуръон ва ҳадис илмини мукаммал ўрганмоғи керак. Матншунослик бўйича олиб борилаётган бугунги тадқиқотларда, мумтоз матнларнинг замонавий нашрларида аксарият ҳолларда айнан шу жиҳат етишмаслиги яққол сезилади. Шу боис мумтоз матнлар нашрида оят ва ҳадислар нотўғри табдил қилиниши ҳоллари кузатилмоқда.

Масалан, шоир Роиқнинг:

**Ояти «Ла тақнату мин**
**раҳматиллаҳ» деб умид**
**Узмайин доим Эгамни**
**толиби алтофиман —**

байтини тўғри ўқиш ва табдил қилиш учун матншунос «Ла тақнату мин раҳматиллаҳ» («Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар», «Зумар» сураси, 53-оят) ояти каримасини аввало ўзи тўғри ўқиши, кейин мазмунини ўқувчига тушунтира билмоғи лозим.

Маълумки, бизгача етиб келган қўлёзма манбалар турли савиядаги котиблар қўли билан кўчирилган. Уларнинг баъзилари санъат даражасида гўзал хат билан, бехато китобат этилган бўлса, айримлари ўқилиши бир қадар мушкуллиги, бадхатлиги билан ажралиб туради. Котибларнинг «шоирлар сўзини варақка нақшловчи ва сўз хазинасини сақловчилар» эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳазрат Навоий: «Худди хол яхши юз саҳифасига гўзаллик бергانидай, яхши хат ва ундаги нуқталар қоғоз саҳифасига чирой беради. Хушхат котиб сўзни безантиради ва сўзловчини роҳатлантиради», деб ёзадилар.

Матншуносликнинг масъулиятли жиҳати шундаки, бу



касб соҳиби ҳар иккала турдаги котибнинг ҳам хатини бемалол ўқий олиши, агарда котиб хато кўчирган бўлса, матннинг бошқа нусхаларига муқояса қилиб, лозим бўлганда, ўз илми ва зеҳни билан унинг камчиликларини бартараф этмоғи, матнни мукаммаллаштирмоғи лозим. Бу эса, осон иш эмас. Ҳақиқий матншуноснинг шундай машаққатли меҳнатга доимо тайёр бўлмоғи, ўз меҳнатидан завқ ола билмоғи талаб этилади.

**Ҳ. БОЛТАБОЕВ:** — Матннинг нашридан мақсад унинг китобхонга етиб бориши, унинг томонидан идрок этилиши ва шу матн воситада муаллиф даҳосининг сирларидан воқиф топиши каби қатор масалалар борки, уларнинг ўрганилиши ёлғиз матншунослик қамрови доирасида эмас. Шундай экан, биз ҳали матнни тўғри ўқишни ва уни шоир назаридаги ҳолида китобхон қўлига тутқазишнинг машқини олмаган эканмиз, бу соҳадаги тортишувларнинг ибтидоси матнни танишдан иборат бўлиб қолаверади.

Матншунослик масалаларидан сўз юритилганда рус академиги Д. С. Лихачевга ишора қилиш шўролар замонидан урф бўлган. Қадимги рус матн ва манбаларининг чуқур тадқиқотчиси, албатта, матншуносликни фан сифатида шаклланишига хизмат қилган. Бироқ рус ёки ғарб истилоҳидаги «текстология» билан шарқдаги, хусусан, ўзбек адабиётшунослигининг таркибий қисми бўлган матншунослик ўртасида жуда катта фарқ бор. Рус ёки хорижий текстология асосан бир ёзув тараққиёти билан боғлиқ. Айрим ҳарфий ўзгаришларни ҳисобга олмаганда «Игорь жангномаси»нинг қадимги матнини ҳар бир рус зиёлиси ўқий олади, ўтган 800 йиллик тарих давомида кириллица деярли ўз шаклини ўзгартирмаган. Ўзбек ёзуви бўлса, XX асрнинг ўзида уч бор ўзгаришни бошдан кечирди. Шундай экан, ўзбек матншунослигининг қисмати фақатгина матнчилик, тўғрироғи, табдилчилик билан боғланиб қолмаяптими, деган ҳақли савол туғилади. Ҳар бир баҳсу мақолада «в»ни «у» ўқибсан, «ажиб»ни «ғариб» деб берибсан деган маломатдан қутула олмаётган эканмиз, адабиётшуносликнинг бўлинмас қисми бўлган матншуносликни қачон ва қай ҳолда фан сифатида ўргана бошлаймиз?! Матншунослик фанининг тараққиётига хизмат қиладиган таянч омиллар нимада, дунёга юз тутаётган адабиёт илмининг такомилига хизмат қилиши қай даражада каби саволларни матншунослик олдига қачон қўйишимиз мумкин бўлади?!

Мен ҳурматли матншунос олимларимизни ўзбек матншунослигининг назарий омиллари шаклланишига ёрдам берадиган проблематик тадқиқотлар яратилишини, ҳар бир матнчининг ўз услуб ва лабораториясини яратиш, унинг сирларини аниқлаш ва тан олиш ҳамда ушбу соҳанинг умумфилологик илмлар таркибида тенгҳуқуқли фан сифатида тараққий топдиришга хизмат қиладиган илмий-тадқиқот асарлари яратилиши каби масалаларга юз тутишларини ният қиламан.

**Н. АБДУЛ ҲАКИМ:** — Матншуносликнинг сермашаққат соҳа эканлигини бизга замон нуқтаи назаридан энг яқин даврда яшаган мумтоз шоир Фурқат ижоди мисолида ҳам кўриш мумкин. Шоирнинг «Лабинг — ғунча, юзинг — икки қизил гул» мисраси билан бошланувчи ғазалининг мақтаъи жорий имлодаги нашрларда шундай берилган:

**Гадо Фурқатни ҳолиға**
**карам қил,**
**Эрурсан подшоҳи**
**ботаҳаммул.**

Ушбу байтдаги «ботаҳаммул» сўзи қўлёзма манбаларнинг баъзиларида худди шу тарзда, баъзиларида эса «ботажаммул» шаклида учрайди. Қўлёзмаларда иккала ҳолат ҳам акс этган бўлиб, ношир «ботаҳаммул» шаклини танлаган. Хўш, қайси бири тўғри? Бу муаммони ҳал этишда ушбу сўзлар маъноларининг муқояcаси ёрдамга келиши мумкин. «Ботаҳаммул» — сабр-тоқатли, чидамли маъносини берса, «ботажаммул» — бадавлат маъносини англатади. Гадога карам қилмоқ, саховат кўрсатмоқ сабр-тоқатли бўлишдан кўра бой-бадавлатликни тақозо этади. Шунга кўра ушбу сўзнинг «ботажаммул» шаклида ёзилиши мақсадга мувофиқдир.

Ёки котибнинг айби билан «мор» («илон») сўзининг «ёр»га айлангани ҳақидаги мисолга эътибор берайлик:

**Ўтлуғ ораз узраму**
**кокул,**
**Тўлғанур ёки мор**
**аччиғидин.**

«Ўтлуғ ораз узра тебранаётган кокул»ни аччиғидан тўлғанаётган илонга қиёсланган, шеърий санъатнинг гўзал намунаси бўлган ушбу байтдаги «мор» сўзи Фурқат асарлари киритилган қўлёзмалардан бирида котибнинг эътиборсизлиги сабаб «ёр»га айланган. Натижада, ёр юзидаги кокилнинг тебраниши «аччиғидан тўлғанаётган ёр»га қиёсланиб, кулгили ҳолга келтирилган.

Зеро, битта ҳарфнинг, баъзан эса битта нуқтанинг ноўрин ишлатилиши ёки тушиб қолиши тамоман тескари маънони келтириб чиқарадики, бу — матншуносликнинг нақадар масъулиятли касб эканлигини кўрсатади.

Матншуносликнинг назарий асосларини ишлашда рус олимларидан ўрнак олишимиз керак. Уларда «Текстология», «Основы текстологии» каби назарий тадқиқотлар яратилганки, бизда бундай асарлар мавжуд эмас. Бизнинг матншунослик бўйича изланиш олиб бораётган ёш мутахассисларимиз ўз тадқиқотларининг йўналишини белгилаб олишлари учун бу соҳада бажарилган кўп йиллик амалий ишларни ўрганиб чиқиб, шундан сўнггина бирор хулосага келишлари мумкин. Бу эса тадқиқотни ниҳоясига етказишни бир қанча муддатга кечиктиради.

Қўлёзма манбалар устида малакали илмий изланишлар олиб бориш, уларни юқори савияда нашрга тайёрлаш ишидаги мавжуд камчиликларга барҳам бериш учун, назаримизда, матншуносларнинг касб малакасини оширадиган, мунтазам фаолият кўрсатадиган курслар ташкил этиш керак. Шундай қилинса, ҳам ҳаётий тажрибага, ҳам касб малакасига эга бўлган устозларнинг ёш истеъдодларга мазкур соҳа сирларини ўргатишларига бевосита имконият туғилади. Бу эса ўз-ўзидан соҳанинг бир қадар ривожланишига олиб келади.

**Суҳбатни**
**Аҳмад ОТАБОЙ**
**тайёрлади**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси жамғарма ходими Нигора Турсуновага отаси **Миролим ТУРСУНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI
1998 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 133-52-91

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00.
Босишга топширилди 21.50.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Холмуҳаммад КАРИМОВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 060. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6